# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни ва Сиз орқали бутун биродар Ўзбекистон халқини Миллий байрам — Мустақиллик куни билан чин қалбдан муборакбод этаман. Шу куни Туркманистон билан Ўзбекистон ўртасида тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида ривожланиб бораётган муносабатларнинг муттасил ва барқарор тус олганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда Ўзбекистон раҳбари лавозимидаги фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаб изҳор этган самимий истакларимни қабул қилгайсиз. Тинчлик, равнақ ва фаровонлик истаб билдирган тилакларимни бутун қардош ўзбек халқига етказишингизни сўрайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Сапармурот НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Шонли ва ҳар бир ўзбек учун азиз байрам — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан ғоят самимий қутловларимни ҳамда чуқур эҳтиромим ва доимий дўстона ҳис-туйғуларим изҳорини қабул қилгайсиз.

Халқ хўжалиги комплекси барқарор ривожланиб бораётган қудратли, мустақил Ўзбекистон Евроосиёдаги ғоят обрўли давлатлардан бири бўлиб, минтақадаги сиёсий иқлим унинг тутган мавқеига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Комил ишонч билдириб айтмоқчиманки, Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик бундан буён ҳам жадал ривожланиб бораверади.

Сизга ҳамда барча ватандошларингизга бахт-саодат ва жамики эзгуликларни тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

**Эдуард ШЕВАРДНАДЗЕ,**
**Грузия Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ҳамда Ўзбекистон халқини Латвия халқи ва шахсан ўз номимдан самимий муборакбод этаман.

Шуни қувонч билан қайд этаманки, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида ажойиб ҳамда ўзаро манфаатли муносабатлар таркиб топди. Латвия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам мана шундай руҳда кенгайиб бораверади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Ҳурмат билан,

**Вайра Вике-ФРЕЙБЕРГА,**
**Латвия Республикаси Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами - Мустақиллик эълон қилинган кун муносабати билан ғоят самимий ва сидқидилдан йўллаётган қутловларимни ҳамда Сизга ва Сиз орқали бутун дўст ўзбек халқига тинчлик, омонлик ва равнақ тилаб билдирган истакларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Сизнинг давлат раҳбаридек масъулиятли лавозимдаги самарали, собитқадам фаолиятингиз ҳамда Сизнинг раҳбарлигингизда оғишмай олиб борилаётган ислоҳотлар йўли бундан буён ҳам Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини мустаҳкамлашга, унинг халқаро майдондаги мавқеини кучайтиришга ва ўзбек халқининг фаровонлигини оширишга хизмат қилаверади.

Молдова билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатлари мамлакатларимиз халқларининг манфаатлари ва бахт-саодати йўлида тобора мустаҳкамланиб, тезкорлик билан ривожланиб бораверади, деб ишонч билдираман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик ҳамда барча орзу-умидларингиз ва эзгу ниятларингиз рўёбга чиқишида улкан муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром билан,

**Владимир ВОРОНИН,**
**Молдова Республикаси Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами - Мустақиллик куни муносабати билан беларус халқи ва шахсан ўз номимдан йўлланган самимий қутловларни қабул қилгайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасида таркиб топган ўзаро манфаатли ҳамкорлик Беларусь ва Ўзбекистон халқларининг фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб боравершига ишончим комил.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин дилдан мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, ўзбек халқига эса тинчлик ва омонлик тилайман.

**Александр ЛУКАШЕНКО,**
**Беларусь Республикаси Президенти.**

# Ёқуб буванинг «ранчо»си

— Не кунларни кўрмадим. 30 йил қора терга ботиб ишлаганим учун товон тўладим. «Пахта иши» бўйича «ўтириб» чиқдим. Аслида 4 йил колхозга раислик қилиб ҳам ота уйим — пахсадан қурилган чордевор ҳовлим янги бўлмаган, эгним тузукроқ костюм-шим кўрмаган, машина тугул битта велосипед олиб минмаган эдим. Ҳозир Гдлян, Ивановларнинг «сен ўзбек ҳеч қачон одам бўлмайсан», деган гапларини эсласам, ичимдан бир нарса отилиб чиққудай бўлади. Минг шукур, миллатимнинг қадди тик бўладиган кунларга ҳам етиб келар эканман. Бугун «тилини тишлаб қолган»ларни тасаввур қилиб, ҳузур қиляпман. Менга шундай ҳаловат, ғурур, эркинлик берган мустақилликнинг пешонаси бўлганида эди ўпар эдим.

Ёқуб бува гапириб чарчамайди. Ўтган кунларига алами кўп буванинг. Уни хўрлашганларини, таҳқирлашганларини кечиролмайди, унутолмайди. Уларга ўзбекнинг кимлигини кўрсатиб қўйгиси келади.

— Ўзбекнинг бағри кенг эди, бугун қадри баланд, қадди тик, қўли узун. Керак бўлса «любой» ишбилармонини олиб келинг, баҳслашаман, «белини қайирмасам» Ёқуб бува отимни бошқа қўяман, дейди. Ҳа, Қашқадарёнинг Касби туманида яшовчи Ёқуб буванинг катта кетишига асос бор. Бугун у элга таниқли фермер. Бели бақувват. Элнинг тўйи-маъракалари Ёқуб бувасиз ўтмайди. Сал етишмайдиган оила бўлса, оқсоқол бир томонини кўтариб юборади.

— Кунимиз фақат қуруқ нонга қолган пайтлар бўлди. Ишонасизми, раис бўлганимда келим-кетимга деб кичикроқ томча солган эдим. Мих билан уриб кўришди-я. Ғиштданми бу ёки пахсаданми, деб. Эсласам алам қилади. Худога шукур, эркинлик замони ҳам келар экан. Қаср қурсанг ҳам биров ҳеч нарса демайди. Қайтанга ишла, топ, бойи деб Юртбошимиз қайта-қайта такрорлайди. Бундай кунлардан айланиб-ўргилсанг арзийди. Ёқуб бува роҳатланиб ишлади. Унга хотин, бола-чақалари ҳам қўшилди. «Фермер хўжалигимга оиламнинг номини қўйдим. «Шарофат Ғиёсова» деб. Қизиқсин дедим. Молларга асосан улар қарайди-да.

Шундай қилиб, 11 бош қорамол 168 тага етди. Соғин сигирлар ҳар куни 7-8 литрдан сут беради.

— Майманоқ санаторийси билан шартномамиз бор. Гўшт, кунлик сут, қатиқни биздан олишади.

Ёқуб бува бизга хайр-саховат ишларини айтмади. Мақтанишни ор билди. Қишлоқдошлари мамнуният билан сўзлаб беришди. Ёқуб бува қишлоқдаги болалар боғчасини бепул сут маҳсулотлари билан таъминлаб тураркан. Беморлар, кам таъминланган оилаларга ҳам сутни бепул беришаркан. 460 метрлик лоток бўйлаб 110 туп золдори, 64 туп шафтоли, 60 туп ўрик, нашвати экиб чиқибди. Ҳозир ҳаммаси ҳосилга кирган. Ёқуб буванинг серфайз, сердаромад фермер хўжалиги менга чет эл сериалларидаги бойларнинг «ранчо»сини эслатади.

— Германияда сутни қайта ишлайдиган зўр цех бор экан. Шундан олиб келмоқчиман, — дейди Ёқуб бува.

Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Фермер буванинг 28 гектар ери ҳам бор. 8 гектарига ғалла, 9 гектарига пахта, қолганига эса беда эккан. Бу йил ғалла мўл бўлди. Гектаридан 64 центнердан ҳосил олишди. Ғўзанинг ҳам ривожи яхши.

— Бултур чорванинг ўзидан 420 минг сўм даромад олдим. Бу йил насиб бўлса ғалла, пахтадан келадиган даромаднинг ўзи 10 миллиондан ошади, — дейди Ёқуб Норов.

Ҳа, мустақилликка қадар 12 йил бош агроном, 4 йил раислик қилиб ҳам битта велосипед ололмаган Ёқуб бува бугун «Дамас», ГАЗ-53 русумли юк машинаси ва комбайннинг хўжайини. Насиб бўлса, энди «Нексия» олиб минмоқчи. Ҳаммаси ҳалол меҳнатнинг орқасидан. Ана шу меҳнатсеварлик фарзандларига ҳам юққан. Ёқуб буванинг 11 фарзанди бор. Бировдан кам эмас. Фахриддин — олим, Тожиддин — муҳандис, Қиёмиддин — фермер. Хуллас, ҳаммаси ишнинг кўзини биладиган, яшашнинг қадрига етадиган бўлиб улғайишган.

### Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз

— Замондан нолиган одамни ёмон кўраман, — дейди Ёқуб бува. — Бундай эркинлик кунларнинг садағаси кетсанг арзийди. Ишлаган бир нимали бўлади. Жон койитмаган эса камбағаллигича қолаверади.

Ёқуб бува кўпларга йўл кўрсатди. Қандай яшаш кераклигини ўргатди. «Ҳамма ўзига тўқ яшаши керак. Ахир ўзбекнинг кимлигини ҳамма билиб қўйсинда».

**Санобар БОЙМУРОДОВА,**
**журналист.**



# Фермернинг ғайрати

*Пайариқ туманида фермерлар сони йил сайин кўпаймоқда. Бу эса пахтачилик, ғаллачиликда мўл ҳосил етиштиришнинг имконини беради. Бу йил туманда 30 минг тонналик ғалла хирмони уйилди. Эндиги навбат — 12160 гектар пахта майдонидан 27 минг тонна «оқ олтин» йиғиб олиш.*

*Туманнинг «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида истиқомат қилаётган кекса деҳқон, фермер Хайрулло бобо Бердиёров ана шу улкан хирмонга ўз улушини қўшиш ниятида бел боғлаган.*

*— Меҳнат қилган қадр топади, — дейди «Байроқдор» фермер хўжалиги етакчиси. — Фермерлик асосида деҳқончилик қилиш оиламизга жуда қўл келди. Бола ва невараларимга йўл-йўриқ кўрсатиб, ғаллачилик ва пахтачилик билан шуғулланяпмиз. Жорий йил 4 гектар майдондаги ғалладан 25 тонна ҳосил кўтариб, режани уддаладик. Айни дамда 5 гектар майдонда пахтанинг «Омад» навини парвариш қилмоқдамиз.*

**СУРАТДА: «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош ҳосилоти (ўнгдан) Пўлат Мансуров, фермер Хайрулло бобо Бердиёров ва Тоҳир Усмонов суҳбат чоғида.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Нақадар тотли сўз — ОЗОДЛИК

*Мустақиллигимизнинг 11 йиллик байрами кунларида барчамизнинг юрагимиздан ғурур, шодлик янада чуқур жой олган. Юртимизда кўтаринки руҳ ва кайфият ҳукм сурмоқда. Ҳар қадамда ушбу қутлуғ айём билан бир-биримизни табриклаймиз.*

*Таҳририятимиз телефонлари ҳам тинмайди:*

—Алло, бу "Халқ сўзи"-ми? Мен жиззахлик фермер Жўрабой Абдулқосимовман. Ҳукуматимиз мени "Меҳнат Шуҳрати" ордени билан мукофотлади. Юртбошимизга жамиятимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари учун мингдан-минг раҳмат. Авваламбор, сизларни ва сизлар орқали бутун халқимизни энг улуғ байрам — истиқлолимизнинг 11 йиллиги билан чин юракдан табриклайман. Барчангизга соғлик-омонлик, хонадонларингиздан қут-барака аримасин!

— Ассалому алайкум! Ҳормангизлар! Байрам муборак бўлсин! Мумкин бўлса кечаги сессия ҳақида ўз фикримни билдирмоқчиман. Мен Пайариқ туманиданман. Исмим Ўрозов Юсуф.

— Президентимизнинг маърузасини диққат билан эшитдим. Ундаги фикрларга тўлиқ қўшиламан. Айниқса профессионал армия тузиш ҳақидаги фикрлар ҳозир биз учун ниҳоятда долзарб. Яна бундай армия дунёнинг кўп ривожланган мамлакатларида бор.

—Алло, таҳририятми? Яхшимисизлар? Мен Мустақиллик байрамини Тошкентда кутиб олиш учун Хоразмдан келдим. Фамилиям Феруза Маткаримова. Ўзим ўқитувчи бўлиб ишлайман. Пойтахтимизга келмаганимга ҳам бир неча йил бўлиб қолганди. Шаҳар кўчаларини кўриб, очиғи тўлқинланиб кетдим. Мана сизга мустақиллик шарофати дегим келди. Газеталарингизда Президентимизнинг мукофотлаш ҳақидаги фармонларини ўқиётиб, Жуманова Гулбаҳор исмли яқин танишимнинг "Шуҳрат" медали билан тақдирланганини кўрдим. Чиндан ҳам Гулбаҳор опа меҳнаткаш, фидойи инсон. Опа ва у каби кишиларнинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан эътироф этилаётгани ҳар биримизни янада қувонтиради, албатта. Юртбошимизнинг ўқитувчиларга алоҳида эътибор қаратаётгани учун ҳамкасбларим номидан чуқур миннатдорчилик билдирмоқчи эдим.

Таҳририятимиздаги телефон жиринглашда давом этмоқда. Кўчага чиқасизми ёки хиёбонда сайр қиласизми, одамлардаги байрамона руҳ, самимий табассум, қувончдан порлаётган кўзлар эътиборингизни тортади. Барча бир-бирини ушбу қутлуғ айём билан табриклайди. Ушбу манзарани кузатиб "Нақадар тотли сўз — Озодлик" дегинг келади.

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Китобдан яхши ёр ўлмас

**Бухоро туманидаги 9- мактаб ўқувчилари "Галаосиё" ширкат хўжалигидан қимматбаҳо совға — 2 миллион сўмлик дарсликлар қабул қилиб олдилар. Бу мазкур мактабнинг 745 нафар ўқувчисининг деярли барчаси бепул дарсликлар билан таъминланди, деганидир.**

## Янги ўқув йили янги даргоҳда

**Мирзаобод тумани маркази — Наврўз қўрғонида ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи очилди. Бир неча фан кабинетлари, тажриба устахоналари, ёзги ва қишки спорт мажмуасига эга ушбу билим даргоҳи 450 нафар қишлоқ ёшларини ўз бағрига олди. Шунингдек коллеж 450 ўринли ошхона ва 200 ўринли ётоқхонага ҳам эга.**

**М. ХОЛМАТОВА.**

### Юртимиз мустақиллигининг 11 йиллигига

# МИЛЛАТ ТАЪЛИМДАН

*Мустақиллик йилларида қадриятларимизни тиклаш, таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, ўқитиш жараёнини давр талаби билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги Қонун таълим соҳасида туб ўзгаришларни бошлаб берди.*

*Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Рисбой ЖЎРАЕВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати ҳам шу хусусда бўлди.*

— Бундай олиб қараганда 11 йил тарих учун сониядек гап. Бироқ шу қисқа фурсат давомида мамлакатимизда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мисолни таълим тизимидан оладиган бўлсак, ўтган ўн бир йилда 2000 дан зиёд, аниқ айтадиган бўлсак 2244 та 848 минг 398 ўқувчи ўрнига мўлжалланган умумтаълим мактаби қуриб битказилди. Шу рақамнинг ўзиниёқ атрофимиздаги мамлакатлар билан солиштирганда жуда юқорилигини кўрсатади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганидан кейинги ўзгаришларни эса бугун барча кўриб турибди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ишлаб чиқилган ушбу дастур бугун бутун дунёда таълимнинг "ўзбек модели" сифатида эътироф этилмоқда. Навбатдаги иккинчи босқичи изчил амалга оширилаётган мазкур дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир. Ҳужжатда узлуксиз таълим тизими тараққиётининг стратегик йўналиши, унинг таркиби ва моҳияти илмий асосланган ва аниқ белгилаб берилган. Бу борадаги барча ўзгаришлар, аввало, инсон, шахс камолотига, жамиятда унинг мавқеини кучайтиришга йўналтирилган. Ана шу талабларни ўзида мужассам этган давлат таълим стандартлари, уларга асосланган ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Бугун эса дарсликларнинг янги авлоди яратилмоқда. Шу билан бирга "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари", "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш", "Одобнома" каби янги фанлар ўқув дастурига киритилиб, дарсликлар яратилдики, булар ҳам юқорида таъкидланган сифатларнинг ўқувчиларда шаклланишида муҳим ўрин тутади.

**— Таълимдаги ислоҳотлар тизимнинг ажралмас қисми бўлмиш мактабгача таълим бўғинида қай тарзда ўз аксини топаётир?**

— Мактабгача таълим фаолияти ислоҳотларга мос тарзда тубдан ўзгарди. Соҳа муассасаларининг меъёрий ҳужжатлари тўлиқ янгиланди. "Мактабгача таълим тўғрисида"ги низом, "Давлатга қарашли бўлмаган болалар муассасалари тўғрисида"ги низом, Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланди, тажриба тариқасида фойдаланишга рухсат этилди.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим мазмунини ислоҳ қилиш, янги дастур, қўлланма ва адабиётларни яратиш ишлари ҳам жадал давом этмоқда. Ота-оналар ва мутахассислар учун "Учинчи мингйилликнинг боласи" болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастури ишлаб чиқилиб, тажрибадан ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда асосий эътибор фарзандларимизни мактабга тайёрлаш жараёнига қаратилмоқда. Бу ишлар мактабгача таълим муассасаларида, хўжалик ҳисобидаги қисқа муддатли гуруҳларда, мактаблар қошидаги тайёрлов гуруҳларида, саводхонлик ва бошқа турдаги марказларда амалга оширилмоқда. Бундай тайёргарлик билан қамраб олинган фарзандларимиз 84 фоизни ташкил этади. Қолган мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш оилаларда амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига кўра беш мингга яқин мактабгача таълим муассасаси халқ таълими тизими тасарруфига ўтказилди, ўнлаб боғчалар хусусийлаштирилди. Ноанъанавий мактабгача таълим муассасалари (мактабгача таълим - бошланғич таълим мажмуалари, хонадон боғчалар, "Соғлом авлод марказлари" ва ҳоказо) тармоғи ҳам йилдан йилга кўпаймоқда.

**Дарсликларнинг янги авлодини яратиш ва ўқувчиларни таъминлаш доимий долзарб масалалардан бири. Бу жараён қандай кечмоқда?**

— Таъкидланганидек, миллий дастурга мувофиқ умумий ўрта таълим мактаблари учун Давлат таълим стандартлари яратилиб, янги ўқув дастурлари билан бирга таълим жараёнига босқичма-босқич жорий этилмоқда. Янги дарсликларимиз замон талаблари, янгиликлари инобатга олиниб ёзилмоқда. Бу ишда танлов эълон қилганимиз, аввало, нашриётлар ва муаллифлар ўртасида рақобатни келтириб чиқарди. Бир дарслик бўйича уч-тўрт қўлёзма келиб тушди. Натижада дарсликларнинг мазмуни, полиграфик сифати яхшиланди, уларнинг нархи арзонлашди, муаллифларга бериладиган қалам ҳақи кўтарилди. Табиийки, дарслик ёзишга қизиқиш ортди. Кейинги икки йил давомида "Алифбе", "Математика" (бошланғич синфлар), "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" (8-синф) дарсликларининг электрон намуналари яратилди. Вазирлик томонидан дарсликлар билан таъминлашнинг янги усуллари устида мунтазам изланишлар олиб борилмоқда. Британия кенгаши билан ҳамкорликда Осиё тараққиёт банки лойиҳаси доирасида дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Унинг афзалликлари нималардан иборат? Биринчидан, оилалар, айниқса, кам таъминланган оилалар ижтимоий жиҳатдан ҳимояланади. Ота-оналар дарсликлар нархининг тўртдан бирини тўлаб уларни фарзандлари учун бир йилга

### Шу азиз Ватан - барчамизники

# Тоғ бағридаги одамлар

*Нуротадаги Ғозғоннинг бугунги қиёфаси бошқача. Мустақиллик одамларнинг онг-фикрини ўзгартирди. Ишбилармонлик, ташаббускорлик қанот ёйди. Саноат шаҳарчаси дейсиз, уни. Ўнлаб кичик заводлар, тошни қайта ишловчи цехлар. Ҳаммаси хусусий. Юзлаб тадбиркорлар, усталар учун иш ўринлари очилган. Эндиликда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотни республикамиздагина эмас, чет элларда ҳам яхши билишади.*

Сафар Раҳимбоев конда оддий ишчи эди. 1996 йилда тадбиркорликка қўл урди. Тошни қайта ишловчи «Одилбой» хусусий корхонасини очди. Йўқдан бор қилиш осон кечмади. Лекин келажакни кўзлаб, аниқ режа асосида иш юритиш тезда натижасини кўрсатди. Келгуси йили эса Тошкентдаги «Ташқииқтисодийқурилишсавдо» бошқармаси билан ҳамкорликда «Рангмармар» қўшма корхонасини ташкил этди. «Ғозғонмармар» бир неча йилга етгулик карьер ажратди.

Бошда бир дона «Смер», бир дона кучланиш трансформатори, иккита пардоз дастгоҳи билан иш бошлаган Раҳимбоев корхонасида бугунги кунда 90 киши меҳнат қиляпти. Ўртача ойлик маош 35-40 минг сўмдан ошиқ бўлмоқда. Ҳозир маҳаллий хомашёни қайта ишловчи улкан корхона вужудга келган. Қошида хомашё етказиб берувчи 2 та тармоқ ҳам бор. Ойига 5-6 миллион, йилига эса 60-70 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ташқи кўриниши жозибадор, харидоргир. Улар бир кун ҳам омборларда туриб қолмайди. Навбатда турган буюртмачилар сони кўп.

Айни пайтда 40 оилани ўзига бирлаштирган «Рангмармар»га ишга кириш учун навбатда турганлар анчагина. Нега десангиз, маошлар ой сайин кўпаяпти, таътил учун барча имтиёзлар мавжуд, тўю-томоша, бошқа тадбирларда яхшигина кўмак берилади.

— Инсоннинг ҳаёти қанча йил яшаши билан эмас, балки қандай ишларни амалга оширганлиги билан ўлчанади, — дейди Сафар Раҳимбоев. — Отам олти ёшдалигимда вафот этган. Тўрт болани оқ ювиб, оқ тараб ўстирган онам ҳам бугунги кунларимизни кўролмади. Уларга қилолмаган хизматларимни она қишлоғимга бағишлаяпман. Хароб ҳолга келиб қолган қадимий чашма мажмуини таъмирлашга киришдик. Ҳозиргача 4 миллион сўм сарфланди. Уни замонавий қилиш учун ҳеч нимани аямаймиз.

Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Мармарни қайта ишлаш ҳисобига юзага келаётган экология масаласини тезроқ ҳал этиш даркор. Яқинда ишлаб чиқаришга чет эл инвестициясини жалб этмоқчимиз. Ҳужжатлар тайёр. Билингки, тадбиркор бир кун бемалол бўлса, иши бир ой орқага кетади.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

